3.9.1. Агар Абонент 10 (ўн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни хал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ хамда низоларни судгача хал этиш тартибига риоя қилинган холда ўзаро келишув орқали хал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Жиззах туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алохида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган хар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган хар қандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор холатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 **йил 31 декабрга қадар амал қилади**. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.**

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги хақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (хар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| Оператор» | «Абонент» |
|---|---|
| **“Узбектелеком”АК Жиззах филиали**<br>**Бахмал ТБ** | **BAXMAL TUMANI HAYVONLAR KASALLIKLARI TASHXISI MARKAZI** |
| Манзил: Усмат шахарчаси Арчазор 9 уй | Манзил: Жиззах вил. Бахмал т. Оқтош қфй, Ураш 14 |
| Тел: Факс:(72)412-1009 | Тел: Факс: +99899 134 25 85 |
| Х/р: 2021 0000 8040 7483 8369 | Х/р: 100022860082047042136250001 |
| Алокабанк АТБ Жиззах филиали | Банк номи : МБ Тошкент ш. ХККМ |
| МФО: 00401 СТИР: 203 366 731 | МФО: 00014 СТИР 201773963 |
| ОКЭД: 61100 | ОКЭД: 75000 |
| **Корпоратив мижозлар билан ишлаш булими телефон рақами** Тел: 72(224-00-04) | **Контактные телефоны** |
| Call марказ 1155 | Тел: +99899 114 25 85 |
| Эл.Почта: baxmaltelecom@uztelecom.uz | Эл.Почта: baxmaldm@umail.uz |
| Бахмал ТБ бошлиғи Р.Думанов | О. Нарбаев |
| М.П | М.П |
| Юрисконсульт 1-ой категории А.Холбеков | |

№ 1912588095 «13» 01. 2022 й
сонли Абонент шартномасига
№ 1 илова

Кўрсатиладиган хизмат

1. **Хизмат турлари ва уларнинг тарифлари**

*Қиймат бирлиги Миллий валюта – Сўм*

| № | Хизматлар номи | Бахоси (Нархи) ҚҚС билан | Асос | сони | Сўммаси, ҚҚС билан сўм |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Бир вактдаги (бир марталик) тулов** | | | | |
| 1.1 | | | | | |
| | **II. Хар ойлик тулов** | | | | |
| 2.1 | Corporate-1 тариф режасига асосан Интернетга уланиш тезлиги 4 Мб/с | 240000 | Нархнома | 1 | 240000 |
| | **Жами (олдиндан тулов)** | | | | **240000** |

**Шартнома бўйича тўланадиган абонент тўлови :** Етти юз йигирма минг **сум,**
**15% ҚҚС билан ва бир марталик тулови** икки юз қирқ минг **сум, 00 тийин,**
**15% ҚҚС билан.**

«Оператор»
**«Ўзбектелеком» АК «Жиззах» филиали**
**Бахмал ТБ**

Бахмал ТБ
бошлиғи ________ Р.Думанов
м.п.

«Абонент»
**BAXMAL TUMANI HAYVONLAR KASALLIKLAR TASHXISI MARKAZI**

Директор ________ О. Нарбоев
м.п.

2- илова
Хизмат курсатиш ва ажратилган
алоқани тестдан ўтказиш
**№ 1912588095** сонли шартнома
«13» 01 2022 й.

ДАЛОЛАТНОМА

**«Ўзбектелеком» АК Жиззах филиали, Бахмал ТБ** кейинчалик «Оператор» деб юритилувчи, **BAXMAL TUMANI HAYVONLAR KASALLIKLARI TASHXISI MARKAZI** кейинчалик «Абонент» юритилувчи, оператор томонидан абонентга телекоммуникация хизматлари тақдим этилаётганлиги сабабли ажратилган алоқа тармоғини тестдан ўтказишни топшириш ва қабул қилиш ҳамда «13» 01. 2022й. телекоммуникация хизматлари тақдим этиш бўйича тузилган шартномага асосан хизматга уланишни амалга оширдилар.

| № | Уланган хизмат тури номи | Сана | Бажарилгани ҳақида белги |
|---|---|---|---|
| 1 | Тақдим этилаётган хизмат тури<br>✓ Интернет □ VPN<br>□ IPTV □ Телефон | Ишга тушириш санаси:<br>«01» 01 2022г. | Бажарилди |

«Оператор»

"Ўзбектелеком"АК Жиззах филиали
Бахмал ТБ

Бахмал ТБ
бошлиғи ____________ Р.Думанов

М.п.

«Абонент»

**BAXMAL TUMANI HAYVONLAR KASALLIKLARI TASHXISI MARKAZI**

Директор ____________ / О. Нарбоев

м.п.